2017 йил 17 июль, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 145 (13.478)

Баҳоси эркин нархда

# БАРЧА СОҲАЛАРДА ВА ҲАМИША ИНСОН МАНФААТИ УСТУВОР БЎЛИШИ КЕРАК

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев 15 июль куни пойтахтимизнинг Юнусобод туманига ташриф буюрди.**

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг Қўриқлаш бошқармаси фаолияти билан танишди.

Мамлакатимизда ички ишлар тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Президентимиз ташаббуси билан профилактика инспекторлари ўзи хизмат қилаётган ҳудудда яшайдиган, фуқаролар йиғинлари билан бирга ишлайдиган янги тизим яратилмоқда. Профилактика инспекторлари уй-жой, автомобиль ва замонавий техника воситалари билан таъминланмоқда.

Соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилаётгани юртимизда тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлаш, жамоат тартибини сақлашда муҳим ўрин тутмоқда. Мамлакатимиздаги барча ички ишлар органларини ўзаро боғловчи оптик толали тизим барпо этилмоқда.

Шавкат Мирзиёев 8 июль куни Наманган шаҳридаги "Орзу" маҳалла фуқаролар йиғини профилактика инспектори хизмат хонасида компьютер орқали Хоразм вилояти Хива тумани ички ишлар бўлими ходимлари билан видеомулоқот қилган эди.

Пойтахтимизда ҳам жамоат хавфсизлигини таъминлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Президентимизга ушбу соҳада қўлланилаётган техникалар ва уларнинг ишлаш жараёни, истиқболдаги режалар ҳақида ахборот берилди.

Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасида "Хавфсиз шаҳар" бошқарув ситуацион маркази ташкил этилмоқда. Бу йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, қўриқлаш хизмати, патруль-пост хизмати ва бошқа тармоқларни геоинформацион тизим орқали бошқариш имконини беради. Корхона ва ташкилотлар, бозорлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, меҳмонхоналар, йўллар ва бошқа жамоат жойларига ўрнатилган видеокузатув ускуналари, GPS ва ГЛОНАСС глобал навигация тизимлари билан таъминланган хизмат автомобиллари, замонавий сигнал узатиш техникаси бунда қўл келади.

Юнусобод тумани ҳудуди уч қисмга ажратилган ва уларда техник қўриқлаш марказлари ташкил этилган. Ҳар бир марказга муайян маҳалла ва ташкилотлар, хонадонлар ва бошқа объектлар бириктирилган. Агар ўша ҳудудда бирор хавф эҳтимоли сезилса ёки воқеа содир бўлса, марказдаги тезкор ҳаракатланувчи гуруҳ тезда етиб боради.

Яна бир эътиборли жиҳати, янги тизим сигналларни мис кабель, оптик тола, интернет, сунъий йўлдош орқали узатиш ва қабул қилиш имконини яратади. Яъни, хабар узатиш ва ишни ташкил этишда ҳеч қандай узилиш бўлмайди.

Таҳлиллар ҳозир ушбу тизимдан фойдаланилаётган жойларда жиноят ва ҳуқуқбузарликлар камайганини кўрсатмоқда. Замонавий технологияларга асосланган мазкур қўриқлаш тизимига ўтаётган корхона ва ташкилотлар, маҳалла ва хонадонлар кўпайиб бормоқда.

Тинчлик-осойишталикни таъминлаш тизими бугунги ҳаёт талабларига мос бўлиши керак, деди Шавкат Мирзиёев. Янги замонавий тизим самарали ишлаши учун уни пухта ўзлаштириш, босқичма-босқич амалиётга татбиқ этиш ва такомиллаштириб бориш зарур.

Мазкур бошқарув тизимини синовдан ўтказиш, ички ишлар ходимларининг ахборот технологиялари бўйича билимини ошириш, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва Тошкентдаги Инҳа университетида ихтисослашган кадрлар тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси ўқув дастурини такомиллаштириш, тизим пухта ўзлаштирилганидан кейин уни мамлакатимизнинг барча шаҳарларида жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

Барча соҳаларда ва ҳамиша инсон манфаати устувор бўлиши керак, деди давлатимиз раҳбари. Жумладан, ички ишлар ходимларининг моддий ва маиший шароитларини янада яхшилаш, уларнинг оилалари учун кўп қаватли уйлар қуриш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамкорлигини кенгайтириш, жамоат хавфсизлигини таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш борасида Хитой тажрибасини ўрганиш, соҳада қўлланилаётган техник воситаларни маҳаллийлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари "Shifo Nur" кўп тармоқли тиббиёт марказида бўлиб, шифокорлар ва беморлар учун яратилган шароитларни кўздан кечирди. Катталар ва болаларни даволаш, ушбу йўналишда хорижнинг нуфузли клиникалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, малакали мутахассисларни жалб этиш лойиҳаси билан танишди.

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Тиббиёт соҳасида хусусий секторга кенг ўрин берилаётир. Бу борада Президентимизнинг 2017 йил 1 апрелдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

"Shifo Nur" кўп тармоқли тиббиёт маркази 2013 йилда ташкил этилган. 36 ўринли марказда 60 дан ортиқ малакали шифокор офтальмология, пластик жарроҳлик, педиатрия, кардиология, неврология, гинекология, отоларингология, стоматология, физиотерапия ва оптика йўналишлари бўйича аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Тиббиёт муассасаларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, тиббий хизмат сифатини янада ошириш керак, деди Президентимиз. Амалиётга энг замонавий технологияларни жорий этиш билан бирга, улардан самарали фойдаланишни ҳам таъминлаш, шифокорлар билими ва малакасини муттасил ошириб бориш зарур.

Юнусобод компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежида 11 йиллик мактаб таълимини ташкил этиш лойиҳаси тақдимоти ўтказилди. Унда маҳалла фаоллари, ота-оналар иштирок этди.

Юртимиздан дунё илм-фани тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган буюк мутафаккирлар етишиб чиққан. Ёшларимизни уларга муносиб маърифатли, илмли қилиб тарбиялашимиз лозим, деди Президентимиз. Бунда мактаб тарбияси алоҳида ўрин тутади. Мактабда ўқувчи маълум муҳитда шаклланади. Ўқитувчи ва ота-онасининг доимий назоратида бўлади. Мактабдан сўнг коллеж ёки лицейда бошқа муҳитга тушиб қолади. Шунинг учун ота-оналар, кенг жамоатчилик фикри, таклифи асосида 11 йиллик мактаб таълими қайта йўлга қўйилмоқда.

11 йиллик мактаблар учун ўқув дастурларини пухта ишлаб чиқиш, уларни сифатли дарслик ва адабиётлар билан таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Ўқувчилар мактаб қошида ёки яқин атрофдаги касб-ҳунар коллежида ташкил этиладиган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуасида ҳафтасига бир марта турли мутахассисликларни ўрганиш имкониятига эга бўлади.

Мактабда ўқишни давом эттириш ёки касб-ҳунар коллежига ўтиш ўқувчининг ихтиёрида. Ўзи танласин, муҳими, уларни тарбияли, ота-онасини ҳурмат қиладиган, ватанпарвар қилиб вояга етказишимиз керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Юнусобод компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи жойлашган Исломобод маҳалласида 3 минг 165 аҳоли истиқомат қилади. Лекин маҳалла ҳудудида мактаб йўқ. Ёшлар бошқа маҳаллалардаги мактабларга боришга мажбур. Учрашувда маҳалла фаоллари, ота-оналар ҳудуддаги ушбу коллежни 11 йиллик мактабга айлантириш таклифини билдирди. Президентимиз ушбу таклифни ўрганиш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Шу ерда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бир гуруҳ фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уй-жой билан таъминлаш, ёш композиторлар уйини ташкил этиш ва бошқа масалалар ҳақида сўз борди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Исломобод маҳалласида яшовчи Тўлагановлар хонадонида бўлди.

Тоҳир ака бир умр ҳайдовчи бўлиб ишлаган. Тўрт ўғилни эл ишига камарбаста инсонлар этиб тарбиялаган.

Суҳбатда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг самаралари, фарзандлар тарбияси ҳақида сўз юритилди.

Шавкат Мирзиёев Бўзсув канали бўйида барпо этиладиган маданият ва истироҳат боғи лойиҳаси билан танишди. Боғда мутолаа ва мулоқот қилиш учун махсус жойлар, фавворалар барпо этилади, амфитеатр, кўргазма павильонлари, спорт ва соғломлаштириш зоналари, ҳаваскор балиқчилар клуби ташкил этилади, замонавий аттракционлар ўрнатилади.

Президентимиз бу ерни маданият ва маънавият масканига айлантириш, ёшлар, китобхонлар учун барча шароитлар яратиш бўйича кўрсатмалар берди. Боғни барпо этишда табиий рельефдан оқилона фойдаланиш, турли дарахт ва гулзорларни кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

"Ўзэкспомарказ" мажлислар залида Президентимиз раислигида Тошкент шаҳри фаоллари, мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Юнусобод туманини ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли учун замонавий қулайликлар яратиш, тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

**ЎзА**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# "МЕҲНАТ ФАХРИЙСИ" КЎКРАК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, юриспруденция ва бошқа соҳаларида кўп йиллар давомида ҳалол ва самарали меҳнат қилган нафақа ёшидаги юртдошларимизни, шунингдек, ишламасдан, ҳаётини оилалар мустаҳкамлигини сақлаш, фарзандларимизни жамият олдида масъулият, миллий ва умуминсоний қадриятларга, катталарга ва ёш авлод вакилларига ҳурмат, она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига бағишлаб, жамиятимизда ҳурмат қозонган оналарни муносиб тақдирлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4906-сонли Фармонига асосан:

1. "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони таъсис этилсин.

2. Қуйидагилар:

"Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

"Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони ва унинг гувоҳномасининг тавсифлари 2, 3-иловаларга мувофиқ;

"Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирланган шахслар яшайдиган хонадонлар ва уй-жойлар эшикларига ўрнатиладиган белги (кейинги ўринларда – "Меҳнат фахрийси" белгиси)нинг тавсифи 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишонлари, уларнинг гувоҳномалари ва "Меҳнат фахрийси" белгиларининг тайёрланишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишонлари, уларнинг гувоҳномалари ва "Меҳнат фахрийси" белгиларини тайёрлаш учун зарур пул маблағларини Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳисобидан ажратсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчаларни киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 14 июль*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

**Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!**

Мен Сиз ва Сизнинг иқтисодий жамоангиз Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантириш ва аҳоли моддий фаровонлигини юксалтириш йўлида юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш борасида мамлакат иқтисодиётини ислоҳ этишга йўналтирилган саъй-ҳаракатларингизни астойдил маъқуллайман. Шуни ишонтириб айтаманки, Сизнинг раҳбарлигингизда олиб борилаётган ислоҳотларни амалга ошириш чора-тадбирларини биз техник кўмаклашиш ва иқтисодий сиёсат масалалари бўйича тавсиялар бериш орқали тўлиқ қўллаб-қувватлашга тайёрмиз.

Бир неча кун аввал Халқаро валюта жамғармаси бош қароргоҳида жамғарма ходимлари билан Сизнинг вакилларингиз валюта сиёсатини ислоҳ қилиш йўллари бўйича дастлабки учрашув ўтказганидан ғоят мамнунман. Жамғарма ходимлари бу борадаги ишларни давом эттириш учун яқин орада Тошкентга боришидан хурсандман.

Сизнинг вакилларингиз ва Халқаро валюта жамғармаси ходимлари яқин вақтларда Ўзбекистонда инвестиция муҳитини такомиллаштириш мақсадида бошқа йўналишларда ҳам олиб борилаётган ислоҳотлар орқали валюта тизимини эркинлаштиришни қўллаб-қувватлашга доир кенг кўламли масалаларни, жумладан, иқтисодий статистикани яхшилаш чора-тадбирларини муҳокама этишига ишонаман. Бу ҳукумат ва инвесторларга асосли қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Жаноб Президент, амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида Ўзбекистон улкан натижаларни қўлга киритишига қатъий ишонаман ва биз Сизни бу борада ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканимизни яна бир бор тасдиқлайман.

Самимият билан,

**Кристин ЛАГАРД,**
**Халқаро валюта жамғармаси**
**ижрочи директори**

***Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Германиянинг "SAP" компанияси ўртасида иқтисодиётимизнинг юқори технологияли тармоқларини ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик қилиш мақсадида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.***

# АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Германиянинг "SAP" компанияси, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси, "Uzinfocom" компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири вазифасини бажарувчи Ш.Шерматов ва бошқалар бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари инновацион тараққиётни таъминлаш, иқтисодиёт самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш, уни диверсификация қилиш, ишбилармонлик фаоллигини рағбатлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини барча соҳалар, жумладан, давлат бошқаруви органларига жорий қилиш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилди. Юртимизда халқаро стандартларга мувофиқ рақобатбардош дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, ахборот-коммуникация технологиялари маҳсулотлари экспортини кўпайтириш мақсадида шу йил 30 июнда Президентимизнинг "Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги Фармони қабул қилинди.

Меморандумда "SAP" компаниясининг мамлакатимиздаги ҳамкорлари ва интеграторлари экспертизаси сифатини ошириш, уларнинг Ўзбекистонда инновацион техник ишланмалар ва ечимларни жорий қилиш, қўллаб-қувватлаш борасидаги лойиҳалардаги иштироки, дастурий маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишни таъминлаш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, меморандум доирасида SAP университет альянси орқали ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлашда ҳамкорлик қилишга келишилди. Ушбу глобал академик дастурда бугунги кунда дунёнинг 100 мамлакатидаги қарийб уч минг ўқув муассасаси иштирок этаётир. Дастур олий таълим муассасалари талаба ва ўқитувчиларининг техник ва бошқарув кўникмаларини ривожлантириш мақсадида уларни энг янги дастурий таъминот маҳсулотлари билан таништиради. Бунда инновацион техник ечимлар нафақат ўзлаштириш предмети, балки таълим жараёнининг муҳим таркибий қисмига айланади.

Мазкур ҳужжат юқори технологик лойиҳаларни амалга ошириш, ахборот технологиялар хизматлари экспорти ҳажмини янада ошириш, технологиялар трансфери, коммунал хизматлар учун замонавий биллинг тизимларини жорий этиш, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларини рақамлаштиришда ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш имконини беради.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 июлдаги ПҚ-3133-сонли Қарорига 1-илова*

## “МЕҲНАТ ФАХРИЙСИ” КЎКРАК НИШОНИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

1. "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони (кейинги ўринларда – кўкрак нишони) билан мамлакатимизнинг иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, юриспруденция ва бошқа соҳаларида кўп йиллар давомида ҳалол ва самарали меҳнат қилган нафақа ёшидаги юртдошларимиз, шунингдек, ишламасдан, ҳаётини оилалар мустаҳкамлигини сақлаш, фарзандларимизни жамият олдида масъулият, миллий ва умуминсоний қадриятларга, катталарга ва ёш авлод вакилларига ҳурмат, она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига бағишлаб, жамиятимизда ҳурмат қозонган оналар тақдирланадилар.

2. Ушбу Низомнинг 1-бандига мувофиқ:

I даражали кўкрак нишони билан камида 35 йиллик меҳнат стажига эга шахслар;

II даражали кўкрак нишони билан камида 30 йиллик меҳнат стажига эга шахслар;

III даражали кўкрак нишони билан камида 25 йиллик меҳнат стажига эга шахслар, шунингдек, жамиятда ҳурмат қозонган ишламайдиган оналар тақдирланадилар.

3. I даражали кўкрак нишони юқори даражали ҳисобланади. II ёки III даражали кўкрак нишони билан тақдирланганлар кейинчалик унинг юқори даражалари билан босқичма-босқич мукофотланиши мумкин. Бир даражадаги кўкрак нишони такроран берилмайди.

4. Кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифлар, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси (кейинги ўринларда – "Нуроний" жамғармаси)нинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимларига берилади.

5. "Нуроний" жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимларининг таклифлари ҳар йили 25 декабргача "Нуроний" жамғармасининг Васийлик кенгашига тақдим этилади.

6. Тақдим этилган таклифларни кўриб чиқиш ва кўкрак нишони билан тақдирлаш учун номзодларни танлаб олиш тартиби "Нуроний" жамғармасининг Васийлик кенгаши томонидан белгиланади.

7. Кўкрак нишони билан тақдирлаш "Нуроний" жамғармаси Васийлик кенгашининг қарори билан амалга оширилади.

Кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги қарор "Нуроний" жамғармасининг ахборот воситаларида эълон қилинади.

8. I даражали кўкрак нишони билан мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида, II даражали кўкрак нишони билан мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

Бир йўла тўланадиган пул мукофотлари "Нуроний" жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

9. Кўкрак нишони, унинг гувоҳномаси ва пул мукофоти "Наврўз" байрами арафасида "Нуроний" жамғармаси Васийлик кенгашининг раиси (ёки унинг топшириғига биноан бошқа масъул шахслар) томонидан тантанали вазиятда топширилади.

10. Кўкрак нишони билан мукофотланган шахслар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда тиббий хизматдан имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

11. Кўкрак нишони давлат мукофотларидан кейин кўкракнинг чап томонига тақилади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 июлдаги ПҚ-3133-сонли Қарорига 2-илова*

## “МЕҲНАТ ФАХРИЙСИ” КЎКРАК НИШОНИНИНГ ТАВСИФИ




"Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлиб, мис қотишмасидан тайёрланади:

I даражали кўкрак нишони тилла рангда;

II даражали кўкрак нишони кумуш рангда;

III даражали кўкрак нишони бронза рангда бўлади.

Кўкрак нишонининг олд томонида қанотларини ёзган Ҳумо қуши тасвири акс эттирилган. Унинг тепа қисмида кўкрак нишони даражасини ифодалайдиган бўйи 4 миллиметрли "I", "II" ёки "III" – рим рақамидаги сон ва диаметри 1,8 миллиметрли саккиз қиррали юлдуз жойлашган. Ушбу тасвирнинг умумий баландлиги 22 миллиметрни, эни 23 миллиметрни ташкил этади.

Кўкрак нишонининг олд юқори қисмида саккиз қиррали юлдузлар оралиғида икки қаторда ҳарфларнинг баландлиги 2 миллиметр бўлган "MEHNAT", "FAXRIYSI" ёзуви жойлашган.

Кўкрак нишонининг орқа томони марказида тўрт қаторда ҳарфларнинг баландлиги 2 миллиметр бўлган "KO'P YILLIK", "HALOL", "MEHNATI", "UCHUN" ёзуви жойлашган. Унинг атрофи диаметри 30,7 миллиметр бўлган нақш билан ҳошияланган.

Кўкрак нишонининг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Тасвирлар ва ёзувлар қабариқдир.

Кўкрак нишонининг олд ва орқа томонларининг четлари қабариқ доира билан ўралган.

Кўкрак нишони ҳалқа ва илмоқчалар ёрдамида тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағичга уланган.

Қадағичнинг эни – 26 миллиметр, бўйи – 17 миллиметрдан иборат. Қадағич эни 22 миллиметрли шойи лента билан қопланган бўлиб, лентанинг ўртасидан эни 8 миллиметрли оқ йўл, икки четидан эса ҳар бирининг эни 7 миллиметр бўлган кўк рангли йўл ўтган.

Қадағичнинг орқа томонига кўкрак нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 июлдаги ПҚ-3133-сонли Қарорига 3-илова*

## “МЕҲНАТ ФАХРИЙСИ” КЎКРАК НИШОНИ ГУВОҲНОМАСИНИНГ ТАВСИФИ



"Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони гувоҳномаси 160x110 миллиметр ўлчамдаги китобча шаклида бўлиб, 240 г/кв.м. қалинликдаги офсет қоғоздан тайёрланади.

Гувоҳноманинг ташқи томони (биринчи ва тўртинчи бетлари) яшил рангда бўлиб, плёнка билан қопланган.

Гувоҳноманинг биринчи бети эни 7,5 миллиметрли, ички бурчаклари айлана шаклида бўлган оқ рангли ҳошия билан ўралган.

Гувоҳноманинг юқори чеккасидан (биринчи бети) 35 миллиметр пастда, марказда оралиғи 3,5 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда "Mehnat faxriysi", иккинчи сатрда "ko'krak nishoni" ("Times new Roman Bolt" шрифти, 17-кегль) сўзлари ёзилган. Ундан 6 миллиметр пастда "GUVOHNOMASI" (катта ҳарфларда, "Times new Roman Bolt" шрифти, 17-кегль) сўзи ёзилган. Ёзувлар зарҳал рангида акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички томони (иккинчи ва учинчи бетлари) "Тангир" тасвири туширилган оч ҳаво рангда бўлиб, офсет усулида чоп этилган.

Ички томонининг чап қисмида (иккинчи бети), марказда кўкрак нишонининг аслига тенг ўлчамдаги рангли тасвири акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички ўнг томони (учинчи бети) юқори чеккасидан 8 миллиметр пастда, марказда "GUVOHNOMA" (катта ҳарфларда, "Times new Roman Bolt" шрифти, 10-кегль) сўзи ҳамда гувоҳнома тартиб рақами учун "№" белгиси ва 15 миллиметрли чизиқ жойлашган.

"GUVOHNOMA" сўзидан 11 миллиметр пастда мукофотланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 8 миллиметрли учта чизиқ тортилган.

Пастки чизиқдан 5 миллиметр қуйида, марказда оралиғи 1,5 миллиметрли тўрт сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда "O'zbekiston faxriylarining ijtimoiy", иккинчи сатрда "faoliyatini qo'llab-quvvatlash", учинчи сатрда "Nuroniy" jamg'armasi", тўртинчи сатрда "Vasiylik kengashining" ("Times new Roman Bolt" шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган. Ундан 4 миллиметр пастда оралиғи 4 миллиметр бўлган икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда "20__ y. "___" __________dagi", иккинчи сатрда "___-sonli Qaroriga asosan" ("Times new Roman Bolt" шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда, марказда оралиғи 5 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда "Mehnat faxriysi" сўзи ҳамда кўкрак нишонининг даражаси ҳақидаги ёзув ("Times new Roman Bolt" шрифти, 12-кегль), иккинчи сатрда "ko'krak nishoni bilan mukofotlandi" ("Times new Roman Bolt" шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Сўнгги сўзлардан 9 миллиметр пастда, чап томонда оралиғи 2 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда "Vasiylik kengashi", иккинчи сатрда "raisi" ("Times new Roman Bolt" шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 июлдаги ПҚ-3133-сонли Қарорига 4-илова*

## “МЕҲНАТ ФАХРИЙСИ” КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАН ШАХСЛАР ЯШАЙДИГАН ХОНАДОНЛАР ВА УЙ-ЖОЙЛАР ЭШИКЛАРИГА ЎРНАТИЛАДИГАН БЕЛГИ ТАВСИФИ










"Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирланган шахслар яшайдиган хонадонлар ва уй-жойлар эшикларига ўрнатиладиган белги 210x80 миллиметр ўлчамли тўртбурчак шаклида бўлиб, мис қотишмасидан тайёрланади.

Белгининг чап томонида қанотларини ёзган Хумо қуши ва унинг тепасида кўкрак нишони даражасини белгиловчи "I", "II" ёки "III" – рим рақамидаги сон ҳамда саккиз қиррали юлдуз тасвири акс этган. Ушбу тасвирнинг умумий баландлиги 55 миллиметрни, эни 51 миллиметрни, рим рақамидаги сонннинг бўйи эса 9 миллиметрни ташкил этади.

Белгининг ўнг томонида ҳарфларнинг баландлиги 5,6 миллиметр, сатрлар оралиғи 3,8 миллиметр бўлган олти сатрли матн жойлашган. Биринчи сатрда "Bu yerda" сўзи ҳамда кўкрак нишонининг даражаси ҳақидаги ёзув, иккинчи сатрда "Mehnat faxriysi" ko'krak nishoni", учинчи сатрда "bilan taqdirlangan fuqaro", тўртинчи ва бешинчи сатрларда катта ҳарфларда мукофотланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, олтинчи сатрда "istiqomat qiladi" сўзлари ёзилади.

Белгининг қалинлиги 1,5 миллиметр.

Тасвирлар ва ёзувлар ботиқ шаклда бўлиб, белгининг четлари тўғри чизиқлар билан ўралган.

## Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашида

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛИБ, ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

***Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги йигирма тўртинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишини Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, шаҳар ҳокими Р.Усмонов олиб борди.***

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 2017 йил 12 июль куни парламент палаталари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фаолиятининг таҳлили ҳамда истиқболдаги вазифаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар кўриб чиқилди. Тошкент шаҳар Кенгашининг фаолиятини тубдан яхшилаш, умумтаълим мактабларида мажбурий 11 йиллик умумий ўрта таълим тизимига ўтиш ва бошқа долзарб масалалар муҳокама этилди.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги "Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислоҳотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак" номли маърузасида белгилаб берилган йўналиш ва вазифаларни пухта ўрганиш, ўз фаолиятига танқидий назар билан ёндошиб, партия ва меҳнат жамоа аъзолари иштирокида уни таҳлилий муҳокама этиш белгилаб олинди.

Кенгаш аъзолари депутат сифатида халқ ишончини қозониши учун унинг ташвишу муаммолари билан яшаши лозимлиги таъкидланди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси, "Адолат" социал-демократик партияси, "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг шаҳар Кенгашларидан сайланган депутатлар ўзларининг сайловолди дастурларини бажаришда сусткашликка, лоқайдликка йўл қўйишаётганлиги, замон билан ҳамқадам бўлиш ўрнига орқада қолиб кетаётганлиги, халқ ичига кириб очиқ мулоқот қилиш талаб даражасида эмаслиги, ёшлар тарбиясига бўлган эътибор сустлиги, шаҳар аҳолиси манфаатига хизмат қилувчи муҳим қарорлар қабул қилинишида четда қолиб кетаётганлиги, ташаббускорлик етишмаётганлиги, ҳисоботлар фақат ҳисоб бериш учун тузилаётганлиги, комиссиялар йиғилишларида унчалик муҳим бўлмаган масалалар узундан узоқ муҳокама қилинаётганлиги таъкидланди.

Юқорида қайд этилганлардан ва сиёсий партияларнинг дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, иш фаолияти самарадорлигини ошириш, кадрлар таркибини етук мутахассислар билан янгилаш, партиянинг бошланғич ташкилотлари фаолиятини тубдан яхшилаш масаласи ўртага қўйилди.

Шунингдек, партия аъзолари сонини сифат жиҳатидан кўтариш мақсадида сиёсий етук, халқпарвар, жамият олдида мавжуд ютуқларга эга бўлган шахсларни партия сафига қабул қилиш ва келажакдаги сайловларга номзодлар захирасини шакллантириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Бундан ташқари халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларига аҳоли ва сайловчилар билан учрашувларини самарали уюштириш, жамиятдаги ўзгаришлар, ижобий ишлар ва камчиликларни ўрганиш ва уларни партия аъзолари билан муҳокама қилиш, мутасадди давлат идораларига депутатлик сўровини юбориш ва муаммоли масалаларнинг ечими бўйича ташаббус кўрсатиш лозимлиги қайд этилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар ва туман Кенгашларига маҳалла фуқаролар йиғинлари орқали халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларининг сайловчилари билан учрашувларини ташкил этишда ёрдам кўрсатиш ҳамда депутатларнинг фаолияти, сайловчиларнинг мурожаатига муносабати ва ташаббускорлиги бўйича аҳолининг фикр-мулоҳазаларини ўрганиб бориш вазифаси топширилди.

Туман ҳокимликлари зиммасига ҳар ойда камида бир маротаба сиёсий партиянинг фаоллари ва туман ҳудудидан сайланган депутатлар билан учрашиб, мавжуд муаммо ва камчиликларни ҳал қилиш тизимини жорий этиш юкланди.

Шунингдек, сессияда туман ҳокимликлари ҳузурида халқ депутатлари туман Кенгашларини қайта тузиш бўйича олиб борилаётган ташкилий-тадбирий ишлар ҳамда бошқа долзарб масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессиясида кўрилган барча масалалар бўйича шаҳар Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Самарқандда Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган “Ягонасан, муқаддас Ватан!” кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Иштирокчиларни баҳолашда кўшиқ матнининг мазмундор ва халқчиллиги, Ватанга муҳаббат ва садоқат ғоялари билан уйғунлиги, мусиқанинг оригиналлиги, ижрочининг саҳна маданияти ва маҳоратига эътибор қаратилди. Танлов ғолиблари ва фаол иштирокчилар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Улар энди танловнинг мамлакат босқичида иштирок этади.**

**● Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг халқ депутатлари Каттақўрғон тумани Кенгашидаги депутатлик гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонуни ижроси юзасидан депутатлик эшитуви ўтказилди.**

**● Тошкент вилояти Оҳангарон туманида “Фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари – кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи фаолиятини самарали ташкил этиш” мавзусида ўқув-семинари ўтказилди.**

**● Тошкент вилоятининг Чиноз туманида “Тинчликни асраш ва мустаҳкамлаш энг асосий вазифамиз” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган тадбир Президентимизнинг шу йил 15 июнь куни пойтахтимизда ўтган “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган маърузасида белгиланган вазифалар ижросига бағишланди.**

### ЖАҲОНДА

**● Гонконг полицияси томонидан мамлакатга контрабанда йўли билан келтирилган, кейинги 30 йил ичида энг катта кўламдаги қимматбаҳо фил тишлари мусодара этилди. Гап шундаки, 7 тоннага яқин ушбу ноёб маҳсулотнинг қиймати 9 миллион АҚШ долларини ташкил этди ва у кемада яхлаган балиқлар орасида яширинча олиб келинган экан. Шундай улкан миқдордаги фил тишларига эга бўлиш учун юзлаб жониворларнинг қириб юборилганлиги таъкидланмоқда.**

**● Канаданинг Британия Колумбияси провинциясида юз берган ўрмон ёнғинлари туфайли 14 минг киши қўшни Принц-Жорж шаҳрига эвакуация қилинди. Ёнғиндан қанча турар жой иншооти талафот кўргани ҳозирча номаълум бўлса-да, бироқ вертолёт воситасида туширилган видеотасвирлар унинг анча кўламдор бўлганини тасдиқламоқда. 220 та ўчоғи аниқланган ёнғиннинг кенг ҳудуд бўйлаб тарқалишига шамолнинг тескари йўналишда эсгани сабаб бўлгани айтилмоқда. Ҳудуд аҳолисига молиявий ёрдам ажратиш кўзда тутиляпти.**

**● Австрия муҳандислари тиш ювишнинг осон ва қулай йўлини ўйлаб топди. Улар бунинг учун “Amabrush” деб номланган инсон кўмагида ишловчи тиш ювгичнинг ихтиро қилишди. “Amabrush” тиш ювгичнинг ишлаш тартиби жуда оддий. Даставвал унинг тозаловчи қисми тишга ўрнатилади, сўнгра тугмачаси босилади. Тиш ювгичнинг ичида тиш пастаси мавжуд ғилоф ўрин олган. Тиш тозаланаётган пайтда паста микроканаллар воситасида тишларга етиб боради. Тозалаш жараёни ўн сония давом этади. Янги тиш ювгичнинг 2017 йилнинг декабридан сотувга чиқарилиши айтилмоқда.**



## ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТНИНГ ИЛҒОР МЕХАНИЗМЛАРИ

***"Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида аҳолининг фаол фуқаролик позициясини кучайтириш, жамиятда ҳуқуқий онгни янада юксалтиришда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида бўлиб ўтган семинар-тренингда бу борада қилинаётган ишлар хусусида маълумот берилди.***

Семинар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари ходимларининг мамлакатимизда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мақсади ва мазмун-моҳиятини аҳоли кенг қатламларига етказишни ташкил этиш бўйича кўникмаларини ошириш мақсадида ташкил этилди.

– Қонунчилик ҳужжатлари матнидан фойдаланиш имконини яратиш, қонун нормаларининг бир хилда қўлланилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш вазирлик, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг муҳим вазифалари этиб белгиланган, – дейди Адлия вазирлиги бош маслаҳатчиси Жасур Сирожев. – Шу билан бирга, Адлия вазирлигига норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни барча давлат органлари ва ташкилотларига тезкор етказиш вазифаси юклатилган. Вазирлик томонидан "E-xat" ҳимояланган электрон почта тизими орқали жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 1 минг 78 норматив-ҳуқуқий ҳужжат электрон шаклда 194 давлат органи ва ташкилотига юборилиб, мониторинг қилинди.

Тадбирда соҳада амалга оширилаётган ишлар билан бирга айрим давлат бошқаруви органлари ва идораларнинг масъул ходимлари томонидан ҳали ҳам ушбу йўналишда айрим камчиликларга йўл қўйилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Ҳуқуқий тарғибот тадбирларининг талаб даражасида ўтказилмаётганлиги, уларни ҳар жиҳатдан қизиқарли, жонли қилиб ташкил этиш, бу ишларни назорат қилиш лозимлиги қайд этилди. Бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Г.САТТОРОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Оила ёшларни тарбияли, оқибатли ва андишали қилиб вояга етказиб берадиган муқаддас гўша ҳисобланади. Оилада тинчлик, тотувлик ва хотиржамлик муҳити бисёр бўлса унда камолга етаётган фарзандларимизнинг онги ва ақли шунчалик беғубор ва самимиятга йўғрилган бўлади. Улар келажакка ҳам ишонч кўзи билан қараб, ўқишга, билим олишга ва ҳунарли бўлишга интилади.***

**Танловлар**

## ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ — ОЛИЙ САОДАТ

Учтепа туманидаги "Қўрғонтепа" маҳалласида "Адолатли қайнона" деб номланган кўрик- танлов ҳам, оилавий ажримларнинг олдини олиш, қайнона келин орасидаги муносабат ва ўзаро аҳилликни тарғиб қилиш, нафақат оилада, балки маҳаллада ҳам барчага ибрат бўла оладиган қайноналарни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш мақсадларини қамраб олган ҳолда Ўзбекистон "Адолат" СДП туман Кенгаши томонидан ўтказилди. Айни дамда ушбу кўрик танловнинг туман босқичлари пойтахтимиз ҳудудларида юксак савияда ўтказилмоқда.

– Танловда маҳаллада обрў-эътиборга лойиқ, ҳаётий тажрибага эга, оммага тарбиявий таъсир кўрсата оладиган фаол аёлларнинг тажрибаси кенг тарғиб этилиб, қайнона ва келинлар муносабатларида ўзаро ҳамфикрлик, ҳамжиҳатлик ва аҳилликни қарор топтириш, муқаддас ришталарни янада кучайтириш масалалари асосий мақсад қилиб олинган, – дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Учтепа туман Кенгаши раиси Беҳзод Абдухалиқов биз билан суҳбатда. – Иштирокчилар маҳалла ва меҳнат фаолиятида эришган ютуқлари, оилавий қадриятларни қарор топтиришда ўз тажрибасига эгалиги, фарзандларини комил ва баркамол этиб тарбиялашдаги ибратли фазилатлари, улар онгига оила ва никоҳ муқаддаслигини сингдира олганлиги ва бошқа шу каби мезонлар асосида беллашди.

Очиқлик, холислик руҳида ўтган кўрик-танлов якунига кўра ғолиблар адолатлилик тамойилларига асосан саралаб олинди.

"Диёробод" маҳалласида истиқомат қилувчи Насиба Алимова биринчи, "Бешқайрағоч" маҳалла фуқаролар йиғини "Нуронийлар" кенгаши раиси Шарифа Алимова иккинчи, "Истироҳат" маҳалласи хотин-қизлар қўмитаси раиси Фотима Турсунова учинчи ўринга муносиб деб топилди.

– Қизларимизнинг оила деб аталувчи қўрғонга қадам қўйиши, ҳаётнинг паст-баландини енгишда маслаҳат бериш, хато ва камчиликларини бартараф этиш, энг муҳими, оилада соғлом муҳитни асраш, ажримларнинг олдини олишда қайноналарнинг ўрни каттадир, – дейди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Ойдин Абдуллаева. – Қувонарлиси, мазкур кўрик-танлов барча қайнона ва келинлар томонидан бирдай илиқ қарши олиниб, унда иштирок этиш учун хайрихоҳлик билдиришмоқда.

Дарҳақиқат, оилаларни янада бирлаштиришда, келажаги порлоқ ёшларимизни она Ватанга садоқатли, меҳнатсевар, солиҳ ҳамда қобил инсонлар этиб улғайтиришда қайноналарнинг ўрни, улар бераётган ўгит ва сабоқлар жуда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур танлов ҳам, оила мустаҳкамлигини янада барқарор этиб таъминлашда, қайнона келин муносабатидаги зиддиятларни бартараф этишда ва оилада соғлом муҳитга зарур шароит яратиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Танлов сўнгида ғолиблар туман партия кенгаши томонидан диплом ва совғалар билан тақдирланди. Биринчи ўринга сазовор бўлган Насиба Алимова эса танловнинг шаҳар босқичида қатнашиш имкониятини қўлга киритди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

## ПРОФИЛАКТИКА — ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛИ

***Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси томонидан ҳудудда жиноятчиликнинг олдини олиш ва пайшанба – профилактика куни муносабати билан амалга оширилаётган ишларга бағишланган брифинг ўтказилди. Унда содир этилган жиноятлар, унинг сабаблари таҳлил этилиб, ҳуқуқбузарликлар оқибатлари тушунтирилди.***

Президентимиз ташаббуси билан ўтказилаётган профилактика тадбирлари жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жойларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Шаҳарда жорий йилнинг 29 июнидан 6 июлга қадар 19 жиноят қайд этилиб, "изи йўқолмасдан" фош қилинди. Айни пайтда бу ишлар юзасидан тезкор тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Ҳафта давомида қидирувда бўлган 35 жиноятчи қўлга олинган. Тезкор қидирув тадбирлари натижасида бедарак йўқолган 9 кимса аниқланиб, яшаш манзилига қайтарилган.

30 июнь куни Бектемир тумани ҳудудида фуқаро Зокиржон Умаров ва Нурмуҳанбет Жалилов маст ҳолда "Avto-LUX" масъулияти чекланган жамиятига қарашли автомашиналарни ювиш шохобчасида қаровсиз ва очиқ ҳолда қолдирилган фуқаро Ибодовга тегишли бўлган "Spark" автомашинасини олиб қочади. Автомобилни бошқариб кетаётган вақтда бошқарувни йўқотади ва йўл-транспорт ҳодисасини содир этади. Ҳодиса жойидан яширинмоқчи бўлган вақтида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинади. Мазкур ҳолат юзасидан Бектемир тумани ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги тергов бўлими томонидан Жиноят кодексининг 267-моддаси 2-қисми билан жиноят иш қўзғатилган ва фуқаро Умаров ва Жалиловга нисбатан "қамоққа олиш" тарзидаги эҳтиёт чораси танланган. Ҳозир дастлабки тергов ҳаракатлари давом эттирилиб, ушбу фуқароларнинг бошқа жиноятларга алоқадорликлари текширилмоқда.

8 июнь куни номаълум шахс Сергели тумани ҳудудида ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-тарож қилиш мақсадида фуқаро Мусаеванинг хонадони темир панжарасини бузиш орқали хонадонга кирган. У ердан икки дона умумий баҳоси 4 миллион 870 минг сўмлик телевизор ва 100 минг сўм миқдорда пул маблағини ўғирлаган. Мазкур ҳолат юзасидан Сергели тумани ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги тергов бўлими томонидан Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилган. 3 июль куни Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ходимлари томонидан олиб борилган тезкор ҳаракатлар давомида ушбу жиноят муқаддам ўғирлик жинояти содир этганлиги учун судланган Равкат ва Суҳроб Фармоновлар томонидан содир этилганлиги аниқланган. Уларга нисбатан "қамоққа олиш" тарзидаги эҳтиёт чораси танланиб, бошқа жиноятга алоқадорликлари ўрганилмоқда.

Ички ишлар бош бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган "Қорадори – 2017" тадбири давомида Миробод тумани ҳудудида муқаддам талончилик, ўғирлик ва фирибгарлик жиноятлари содир этганлиги учун судланган Бахтиёр Нурматов ва Шуҳрат Абдумўминовнинг ёнида оғирлиги 944,08 грамм марихуана гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олинган.

Мазкур ҳолат юзасидан Миробод тумани ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги тергов бўлими томонидан Жиноят кодексининг 273-моддаси 3-қисми билан жиноят иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган "Орият" тадбирлари натижасида фоҳишахона сақлаш жиноятлари аниқланди.

Кўча ва жамоат жойларида, хонадонларда босқинчилик, ўғирлик ва бошқа турдаги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида 29 хонадон ва 2 объект қўриқловга олинган. 53 объектга автоном сигнализация ўрнатилган. 51 объектга 148 видеокамера ўрнатилган. Қўриқлаш хизматининг афзалликлари борасида 145 учрашув ва суҳбат ўтказилган.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш борасида олиб борилган тезкор тадбирлар оқибатида 21 ҳолат аниқланган. Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида олиб борилган тадбирлар туфайли йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари томонидан 17 минг 675, чорраҳаларга ўрнатилган кузатув камералари ёрдамида 6 минг 863 қоидабузарлик аниқланиб, тегишли маъмурий баённомалар расмийлаштирилган.

Ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика ишларини кучайтириш мақсадида 33 интернет-кафе ва тунги клубда рейдлар ўтказилиб, ҳафта давомида вояга етмаганларнинг тунги соат 22:00 дан сўнг интернет-клубларга келиш ҳолатлари аниқланмаган.

Бу ички ишлар органлари ходимлари томонидан мунтазам равишда олиб борилаётган профилактика тадбирлари ижобий самара бераётганидан далолатдир.

**Нурилло НАСРИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## ЎҚУВ-СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳокимликлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ҳамкорлигида "Қонун ҳужжатларини давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида тезкор тарқатиш, шунингдек Миллий базага жойлаштириш масалалари" мавзусида ўқув-семинар машғулоти ўтказилди.***

Мазкур семинар машғулотида Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идораларaро кенгаши фаолиятига атрофлича тўхталиб ўтилди.

Айтиш ўринлики, кейинги йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бу бўйича кенг қамровли тизим яратилди. Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эса юртимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини яхшилашдек устувор вазифалар билан чуқурроқ шуғулланиш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги "Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш юзасидан Идораларaро кенгаш ва унинг ҳудудий комиссияларининг асосий вазифалари белгиланди.

Ўқув-семинарда Адлия вазирлиги мутахассислари томонидан "Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идораларaро кенгашнинг ижрочилар ва аҳолини қонунчиликнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида хабардор қилишдаги ўрни" ҳамда "Қонун ҳужжатларини давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида тезкор тарқатиш, шунингдек Миллий базага жойлаштириш масалалари" мавзусида маърузалар тингланди.

Таъкидландики, жорий йилнинг ўтган даврида 457 мингдан ортиқ ҳуқуқий тарғибот тадбири ўтказилиб, уларда қарийб 9 миллионга яқин киши қатнашган.

Давр талабидан келиб чиқиб, ҳуқуқий ахборотни интернет тармоғи орқали етказиб бериш амалиёти кенг йўлга қўйилди. Интернет тармоғида "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотларининг миллий базаси – "Lex UZ"нинг яратилгани аҳолига ҳуқуқий ахборот етказиб бериш борасидаги ишларни янада жонлантирди.

Бу борада амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда мавжуд муаммолар ҳам тилга олинди. Уларни бартараф этиш йўллари ҳақида таклифлар ўртага ташланди.

Ўқув семинарда ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идораларaро кенгаш томонидан ҳудудлардаги фаолият таҳлил қилиниб, умумлаштириш якунларига кўра, соҳада ўз ечимини кутаётган камчилик ва муаммолар мавжудлиги кўрсатиб берилди ҳамда иштирокчиларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

**Жасур ЭЛИМОВ**

***Бугунги кунда инсон ҳаётига хавф солувчи, турли жиноятларга йўл очувчи гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши ҳамда у билан савдо-сотиқ қилиш бутун дунёга жиддий хавф туғдираётган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.***

**Қилмиш-қидирмиш**

## ОҒУФУРУШЛАРНИНГ СЎНГГИ МАНЗИЛИ

Ўзбекистон Республикаси наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича халқаро ҳамжамият олдидаги ўз мажбуриятларини тўлақонли бажаришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўз ортидан бошқа қора иллатларни ҳам етаклаб юрадиган гиёҳвандлик балосига қарши курашишда юртимизда мустаҳкам ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилган.

Аммо шунга қарамай айрим шахслар томонидан гиёҳвандлик моддаларини бойлик орттириш эвазига яширинча чегарадан олиб ўтишга уриниш ҳолатлари учраб турибди. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш божхона органларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жумладан, Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг контрабандага қарши курашиш бўлими ходимлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда олиб борилган тезкор тадбир давомида қўшни давлатдан мамлакатимизга айланма йўллар орқали ноқонуний равишда кириб келган Тожикистон фуқароси Ш.Шомуродов (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) тўхтатилиб текширилганида, оғирлиги 932 граммни ташкил этган "гашиш" гиёҳвандлик моддасини ўзи билан олиб кираётганлиги аниқланди.

Шунингдек, мазкур бўлим ходимлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир натижасида Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи фуқаро О.Маҳкамов томонидан олдиндан келишилган шартли харидорга 1 кг 969 грамм "марихуана" гиёҳвандлик моддасини сотаётган вақтда тўхтатилди. Ушбу шахснинг яшаш хонадони холислар иштирокида кўздан кечирилганда, ҳовлининг олди томорқасида жами 17 туп "наша" гиёҳвандлик ўсимлигини парваришлаб етиштираётганлиги маълум бўлди.

Шунга ўхшаш ҳолатда, бошқарманинг контрабандага қарши курашиш бўлими ходимлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир натижасида Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи фуқаро Н.Хўжаев ўзи яшаётган уйининг томорқасига фойдали экин экиш ўрнига, гиёҳвандлик ўсимликларини экиб, мўмай даромад олиш орзусини чиппакка чиқаришди. Н.Хўжаевнинг яшаш хонадони амалдаги тартибларга мувофиқ кўздан кечирилганида, ҳовлининг томорқа олди ва пастки қисмларига 83 туп "кўкнори" ва "наша" гиёҳвандлик ўсимлиги экилганлиги аниқланди.

Ҳозирги кунда мазкур ҳолатлар юзасидан дастлабки тергов органлари томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шу ўринда юртдошларимиздан шунга ўхшаш ҳолатлардан хабардор бўлсалар, Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг 120-76-71 ишонч телефонига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Тошкент шаҳар**
**Божхона бошқармаси**
**Ахборот хизмати**

